# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2026 ЙИЛ — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 4 июль, № 135 (9306) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ВА ГРУЗИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛИБ, СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МАҚОМИНИ ОЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзенинг таклифига биноан 2-3 июль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**



Давлатимиз раҳбари 3 июль куни Тбилиси шаҳридаги Қаҳрамонлар майдонига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Мамлакатимиз етакчиси Грузия бирлиги учун ҳалок бўлган қаҳрамонлар ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди. Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Грузия давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе тор доирада ва икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари учрашув аввалида Ўзбекистон Президентининг Грузияга йигирма йилдан ортиқ даврда биринчи марта амалга оширилаётган ушбу давлат ташрифи Ўзбекистон — Грузия муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-транзит, туризм ҳамда маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражалардаги мулоқотлар изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Томонлар ҳукуматлар, парламентлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги фаол алоқаларни ҳамда маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 270 миллион долларни ташкил этди, жорий йил бошидан буён эса 100 миллион доллардан ошди. Яқин йилларда ушбу кўрсаткични 1 миллиард долларга етказиш, савдодаги номутаносибликни бартараф этиш, саноат кўргазмаларини ўзаро ўтказиш орқали икки мамлакат ўртасида талаб юқори бўлган маҳсулотларни етказиб бериш ҳажмини ошириш бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

Транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ушбу муҳим йўналиш салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз юкларини ташишда Поти ва Батуми портлари инфратузилмасидан фаол фойдаланиш чораларига алоҳида эътибор қаратилди. Грузияда логистика хабини, унда эса саноат зонаси ва Ўзбекистон маҳсулотлари учун шоурум ташкил этиш режалари қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбари "Боку — Тбилиси — Карс" темир йўлининг ишга туширилганини олқишлади. Уни барпо этилаётган "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўл магистрали билан боғлаш масаласини ўрганиш таклиф этилди.

Саноат кооперацияси ҳамкорликнинг алоҳида устувор йўналиши сифатида белгиланди. Куни кеча ўтказилган қўшма бизнес форуми натижаларига юксак баҳо берилди. Унинг якунлари бўйича 2027 йилгача мўлжалланган Кооперация дастури имзоланди.

Қишлоқ хўжалиги, электротехника ва энергетика тармоқлари, фармацевтика, озиқ-овқат ва енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва девелопмент, рақамлаштириш, ахборот технологиялари, рақамли банк ҳамда туризм соҳаларида янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Лойиҳавий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма Инвестиция жамғармасини ташкил этиш таклиф қилинди.

Маданий-гуманитар алоқалар фаол кенгаймоқда. Жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида Грузия маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти Грузия томонига Тбилисидаги боғлардан бирига буюк шоир Алишер Навоий номини беришга қарор қилгани учун миннатдорлик билдирди.

Жорий йилда Ўзбекистонда қўшма таълим ва туризм форумларини ўтказиш режалаштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Грузиядаги элчихонасини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Музокаралар натижасида эришилган келишувлар ижросини таъминлашга қаратилган қўшма "йўл харитаси" тайёрланади.

Бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, делегациялар раҳбарлари ҳузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар алмашилди. Жумладан:

— Божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида битим;

— Ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Касбий ва олий таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Грузия Ҳукумати ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Грузия Маданият вазирлиги ўртасида 2027-2030 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Грузия Молия вазирлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми;

— "E-Permit" рухсатномалар алмашинуви ахборот тизимини жорий этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро англашув меморандуми;

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро англашув меморандуми;

— Радиациявий ҳимоя ва ядровий хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашиш тўғрисида меморандум;

— Меҳнат миграцияси соҳасида ўзаро англашув меморандуми;

— Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Шунингдек, ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан Грузия Адлия вазирлиги ҳузуридаги Миллий ижро бюроси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ҳам имзоланди.

Сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе Тбилиси шаҳрида ўзбек халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар.

Алишер Навоийнинг мероси нафақат ўзбек халқи, балки бутун инсоният бойлигидир. Ҳаётнинг ўзига хос энциклопедиясига айланган ҳазрат Навоийнинг асарлари кўплаб авлодларни илҳомлантириб келмоқда, тадқиқотчилар, адабиёт ихлосмандлари ҳамда Шарқнинг бой маънавий дунёсини чуқурроқ англамоқчи бўлган барча инсонлар учун билим манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Тбилиси шаҳрида Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги маданий алоқалар тарихида яна бир муҳим воқеа бўлди. Халқларимизни азалдан савдо йўллари, дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталари боғлаб келган, бир-биримизнинг бой маданий меросимизга қизиқишимиз катта.

Ўзбекистонда буюк грузин шоири Шота Руставели ижодини чуқур ҳурмат қилишади ва қадрлашади. Тошкентнинг марказий кўчаларидан бири унинг номи билан аталган, грузин мумтоз адабиётининг буюк намояндасига ҳайкал ўрнатилган. Ўз навбатида, ўтган йилда Тбилиси марказий боғларидан бирига Алишер Навоий номи берилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Тбилиси шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва киноси кунлари, Тошкент шаҳрида эса Грузия маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Маросимда Алишер Навоий жаҳон адабиётининг буюк намояндаси экани, унинг бебаҳо ижоди асрлар давомида одамларни инсонпарварлик, маърифат, тафаккур ва ўзаро ҳурматга чорлаб келаётгани таъкидланди.

Тбилиси шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ришталарининг яна бир ёрқин рамзи бўлишига ишонч билдирилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Грузияга давлат ташрифи доирасидаги тадбирлар якунига етди. Шота Руставели номидаги халқаро аэропортда олий мартабали меҳмонни Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе кузатиб қўйди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

---

**Ўрганиш**

## ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ РИВОЖИ ВА ЁШЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР ЭЪТИБОРДА

*Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Сурхондарё вилоятига сафари доирасида ҳудудда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари ҳамда саноат корхоналари фаолияти билан танишди ва саноатни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратди.*

Дастлаб Сенат Раиси Музработ туманида жойлашган "Surxon KSP Grand" МЧЖда қамишдан мебель ҳамда ламинатланган ДСП плиталарини тайёрлаш жараёнларини кўздан кечирди.

Мазкур лойиҳа маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади. Корхонада замонавий технологиялар жорий этилган бўлиб, қўшимча иш ўринлари ҳам яратилмоқда.

Корхонада қамиш хомашёсидан ДСП плиталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозирда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ламинатланган ДСП плиталарини тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. Бунинг учун замонавий технологик ускуналар ўрнатиш ишлари давом этяпти.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ Термиз шаҳрида барпо этилаётган фармацевтика саноати имкониятларини кенгайтириб, аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида йўлга қўйилган дори воситалари ва инъекция препаратлари ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди.

➡ 2

---

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНА БИР МУҲИМ САҲИФАСИ

*Мамлакатимиз дунёнинг турли давлатлари билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли шерикликни изчил ривожлантириб, халқаро майдондаги нуфузини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бундай сиёсат нафақат иқтисодий манфаатларни, балки маданий-гуманитар алоқаларни, парламентлараро ҳамкорликни ва халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини ҳам янги босқичга олиб чиқмоқда.*

**Муносабат**

Шу маънода, Президентимизнинг Грузияга амалга оширган давлат ташрифини алоҳида тарихий воқелик, деб ҳисоблаш мумкин. Негаки, бу сўнгги 23 йил ичида Ўзбекистон Президентининг ушбу мамлакатга амалга оширган илк давлат ташрифи бўлди.

Энг қувонарлиси, бугунги кунда Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги муносабатлар аниқ натижалар билан бойиб боряпти. Савдо ҳажми ортиб янги инвестиция лойиҳалари йўлга қўйиляпти ҳамда транспорт ва логистика йўналишларида ҳамкорлик кенгаймоқда. Поти ва Батуми портлари имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича билдирилган ташаббуслар эса мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

➡ 2

---

**Факт ва рақамлар**

## Ўзбекистон — Грузия:

## 9 ЙИЛЛИК САВДО ҲАМКОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ



**Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази Ўзбекистоннинг Грузия билан 9 йиллик савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигига бағишланган инфографика маълумотларини тақдим этди.**

Унга кўра, 2017 — 2025 йилларда икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси **3 баробар**га, яъни **89 миллион**дан **267,6 миллион** АҚШ долларига ошган.

Экспорт ҳажми — **$ 77,2** млн.

Импорт ҳажми — **$ 190,4** млн.

2025 йилда Грузиядан жалб қилинган инвестициялар ҳажми **40,1 миллион** доллардан ошди, 2016 — 2025 йилларда эса инвестицияларнинг умумий ҳажми **46 миллион** доллардан зиёдни ташкил этди.

Ўзбекистонда Грузия инвестициялари иштирокидаги **60 та** корхона рўйхатдан ўтган.



---

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашида**

## ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ – ПАРЛАМЕНТ ЭЪТИБОРИДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2026 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.*

Таъкидланганидек, бугунги кунда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларда рақамли трансформация барқарор тараққиётимизнинг муҳим драйвери сифатида қаралиб, бу борадаги устувор вазифалар "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, қўмита томонидан соҳани замон талабларига мос ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, рақамли ислоҳотларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда парламент назоратининг таъсирчан механизмларини амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, ўтган даврда қўмита жами 10 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлиб, уларнинг 7 таси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатга юборилган, 2 таси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда, 1 таси эса қўмитада дастлабки тарзда муҳокама қилинмоқда. Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳнинг 90 га яқин йиғилишлари ўтказилган.

➡ 3

Учрашув

# СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛГАН ҲАМКОРЛИК

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиев билан учрашди.*



Мулоқот чоғида дўстлик, қардошлик, ўзаро ишонч ва иттифоқчилик тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва ишончли муносабатлари туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди. Кейинги йилларда сиёсий мулоқот сезиларли даражада фаоллашгани, шартномавий-ҳуқуқий база мустаҳкамлангани, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алоқалар кенгайиб бораётганига урғу берилди.

Парламентлараро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Икки мамлакат парламентлари томонидан олий даражада эришилган келишувларни қонунчилик йўли билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг тегишли қўмиталари ва парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, халқаро парламент тузилмалари доирасида ҳамкорликни фаоллаштириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ РИВОЖИ ВА ЁШЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР ЭЪТИБОРДА

⬅1 Ушбу лойиҳа Ҳиндистоннинг етакчи фармацевтика компанияларидан бири бўлган “Nova Pharm” иштирокида амалга оширилаётир. Компания GMP халқаро стандартлари асосида дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга бўлиб, мамлакатимизда бир қатор инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаряпти.

Ўрганишлар якунида инвестиция лойиҳаларининг амалий самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини юксалтириш, лойиҳаларни ўз вақтида ҳамда сифатли амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шунингдек, Сенат Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ Термиз шаҳридаги Қизлар этикет мактаби ва “IT Park” Сурхондарё вилояти филиали фаолияти билан ҳам танишди.

Учрашувлар давомида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, замонавий касбларга йўналтириш ҳамда интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитларга эътибор қаратилди.

Қизлар одоб-ахлоқи мактабида турли ёш тоифалари учун ташкил этилган ўқув дастурлари, этикет қоидалари, нутқ маданияти, рақамли мулоқот, оила психологияси, дастурхон одоби, шунингдек, стрессни бошқариш бўйича назарий ва амалий машғулотлар билан танишилди.

“IT Park” Сурхондарё вилояти филиалида ёшларни ахборот технологиялари соҳасида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, экспортбоп рақамли хизматларни ривожлантириш, шунингдек, фриланс фаолияти учун яратилган имкониятлар тақдим этилди.

Ёшлар билан очиқ мулоқотда уларнинг ташаббуслари, инновацион ғоялари ва таклифлари тингланди ҳамда рақамли иқтисодиётда муносиб ўрин эгаллаши учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўрганишлар доирасида ишчи гуруҳ аъзолари қонунлар ижроси, маҳаллий Кенгашлар фаолияти ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳам кўздан кечирди.

Хусусан, Музработ туманида халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти фаолияти ўрганилди. Учрашув давомида котибиятнинг ташкилий-ҳуқуқий фаолияти, Кенгаш сессияларини тайёрлаш ва ўтказиш, депутатлик назоратини таъминлаш, қабул қилинаётган қарорлар ижросини мониторинг қилиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш амалиёти муҳокама қилинди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, котибиятлар ишига замонавий бошқарув ёндашувларини кенг жорий этиш, депутатлик назоратининг таъсирчанлигини кучайтириш ҳамда аҳоли манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал этишда вакиллик органларининг ролини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр ва таклифлар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЯНА БИР МУҲИМ САҲИФАСИ

⬅1 Яна бир муҳим жиҳат — бу парламентлараро ҳамкорликдир. Давлатлар ўртасидаги ишончни фақат ҳукуматлар эмас, парламентлар ҳам мустаҳкамлайди. Тажриба алмашиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва халқлар манфаатига хизмат қиладиган ташаббусларни биргаликда илгари суриш бугунги замон талаби ҳисобланади.



Ташриф давомида маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда туризм, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларидаги янги лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам эътиборга молик. Зеро, мустаҳкам дўстлик фақат иқтисодиёт билан эмас, балки халқларнинг ўзаро яқинлиги ва ишончи билан ҳам белгиланади.

Албатта, ушбу ташрифнинг энг эътиборли воқеаларидан бири Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Грузиянинг олий давлат мукофоти —“Олтин мўйна” ордени билан тақдирлангани бўлди. Мен сенатор сифатида буни нафақат давлатимиз раҳбарига кўрсатилган юксак ҳурмат, балки Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи, Президентимиз олиб бораётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсатига берилган юксак эътироф, деб биламан.

Ишончимиз комилки, ушбу давлат ташрифи Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаб, янги қўшма лойиҳалар ва истиқболли ташаббусларга кенг йўл очади.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

Сенат қўмиталарида

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИ АКС ЭТГАН ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати қўмиталарида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳим қонунлар ва аҳоли манфаатларини ўзида ифода этган масалалар муҳокамаси бўлиб ўтди.*

*Хусусан, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат фуқаролик хизмати соҳасини ривожлантиришга оид қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*



“Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларга одил судловдан фойдаланиш учун қулай имкониятлар яратилиши ва ушбу шахсларнинг мурожаати талаб этилмаган ҳолда солиқ имтиёзлари қўлланилиши, уларни ишга қабул қилган ёки уларга ижтимоий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари берилиши ҳам назарда тутилмоқда.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат фуқаролик хизматчисининг хорижий олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун қўшимча кафолатларни белгилашга қаратилган қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун билан эса давлат фуқаролик хизматчиси хорижий олий таълим муассасаларида магистратура ёки докторантура таълим дастурлари асосида таҳсил олиш бўйича грант ютиб олган тақдирда, таълим олиш даврида унинг иш ўрни (лавозими) давлат органи раҳбарининг ёзма розилиги билан сақланиши белгиланмоқда. Ва қонунга кўра, давлат фуқаролик хизматчисининг хорижий олий таълим муассасасида таҳсил олган даври унинг меҳнат стажига қўшилади ҳамда кўп йиллик хизмати учун қўшимча тўлов белгилашда инобатга олинади. Шунингдек, таълим дастурини якунлаган давлат фуқаролик хизматчиси тегишли давлат органи тизимида хорижий олий таълим муассасасида таҳсил олган даврига тенг муддатда ишлаб бериши шартлиги ҳам назарда тутилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг Қорақалпоғистонда ўтказган сайёр мажлисида эса камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган вазифалар ижроси ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш, уларнинг доимий даромад манбаларини шакллантириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳамда касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикасида 2025 йил якунлари бўйича камбағаллик даражаси 10,8 фоиздан 6,6 фоизгача пасайган. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида “индивидуал режалар” асосида 20,1 мингта камбағал оилага даромадини оширишга қаратилган хизматлар кўрсатилиб, минглаб фуқаролар доимий иш билан таъминланган ҳамда имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилиб, тадбиркорликка жалб этилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар томонидан аҳолини иш билан банд қилиш, доимий даромад манбаларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш йўналишида ўз ечимини кутаётган масалалар ва йўл қўйилган айрим камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, масъул вазирлик ҳамда идоралар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Муҳокамалар якунида қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

# ҲУДУДЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИ МАНЗИЛЛИ ҲАЛ ЭТИШ – АСОСИЙ МАСАЛА

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси, сенатор Зумрад Бекатова Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри, Яккабоғ ва Қамаши туманларида бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, маҳаллий Кенгашлар ва “маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамкорлиги ҳолатини ўрганди.*

## Ўрганиш

Маҳаллий Кенгашлар ҳамда мутасадди идоралар вакиллари билан ўтказилган учрашувларда маҳаллий вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотларни кучайтириш, ҳудудлардаги долзарб муаммоларни манзилли ҳал этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқотлар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўриб чиқилди. Ўз навбатида, ҳудудларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишилди.

Ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир таклиф ва ташаббуслар жиддий ўрганилди.

Ўрганиш доирасида ўтказилган сайёр қабуллар давомида эса фуқаролар томонидан уй-жой, ижтимоий ҳимоя, кредит ажратиш, бандлик, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, табиий офат оқибатларини бартараф этиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда ҳуқуқий масалаларга оид қатор мурожаатлар билдирилди. Ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар масъулларига аниқ вазифалар юклатилди.

Якунда фуқаролар томонидан кўтарилган барча мурожаат ва таклифлар назоратга олиниб, уларни ўз вақтида сифатли ҳал этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалий чора-тадбирларни изчил амалга ошириш бўйича бир тўхтамга келинди.

**«Халқ сўзи».**

Сенаторлар — ҳудудларда

# МАҲАЛЛАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси Эркин Гадоев Бухоро туманидаги Янги турмуш маҳалласида бўлиб, маҳалла фаоллари ва мутасаддилар билан учрашувлар ўтказди.*

Дастлаб маҳаллада фаолият юритаётган “маҳалла еттилиги” аъзолари билан мулоқот ўтказилиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни ташвишга солаётган долзарб масалаларни ҳал этиш ҳамда маҳаллада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, қўмита раиси маҳалла профилактика инспектори билан суҳбат чоғида ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, аҳоли билан манзилли ишлаш ҳамда мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Учрашувлар давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида маҳаллада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳоли муаммоларини тизимли ҳал этиш ҳамда ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## камбағалликка қарши курашнинг асоси

*Мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, умуммиллий ҳаракатга айлантирилди. Бу борада халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши депутатлари томонидан ҳам хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда эҳтиёжманд аҳоли билан манзилли ишлаш, ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш, мавжуд ресурслар, имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали юқори даромадли иш ўринлари яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар шулар жумласидан.*

### Маҳаллий Кенгашларда

Бу йўналишдаги рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, вилоятимизда бугунги кунда меҳнатга лаёқатли 1 миллион 880 минг киши бўлиб, шундан ишга жойлашмаган фуқаролар сони 69 мингни ташкил этади. Ўтган йили 18 минг 896 нафар ёш инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобига, 135 минг 524 киши эса тадбиркорликка жалб этиш орқали ва 329 минг 437 нафар фуқаро қишлоқ хўжалиги тармоқларига ишга жойлаштирилган.

Жойларда аҳолининг муаммоларини комплекс ўрганиб, уларга ечим топиш борасида вилоят Кенгаши депутатлари саъй-ҳаракати билан 167 мингта оиланинг турмуш шароити ўрганилиб, 87 мингтаси “Камбағал оилалар реестери”га киритилди. Халқ вакиллари кўмаги ва ташкилотчилигида камбағал оилаларнинг 49 минг 973 нафар аъзоси доимий ишга жойлаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириғига кўра яратилган Қамаши тажрибаси асосида “Камбағал оила — маҳалла раиси — банк” ўртасида 27 минг 774 та уч томонлама шартнома тузилди. Натижада 4 минг 672 нафар аҳолини доимий иш билан таъминлаш чоралари кўрилди.



Депутатларимиз “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида вилоятимиздаги ҳар бир қишлоқ маҳаллаларида бўлиб, аҳолининг бандлиги, турмуш шароити, истиқболдаги режалари билан қизиқди. Ўрганишлар асносида аниқланган 90 та “оғир” маҳалланинг инфратузилмасини яхшилаш учун жами 300 млрд. сўмлик лойиҳалар ишлаб чиқилди. Аҳоли хонадонларида томорқа ерларидан самарали фойдаланишга эришиш мақсадида ажратилган маблағлар ҳисобидан 85 та маҳаллада 42 та насос агрегати ўрнатилди, 165 та артезиан қудуғи қазилди, 75,4 км. қувур тортилди. 25,4 км. лоток ўрнатилди, 92,5 км. ариқлар бетонлаштирилиб, деҳқончилик хўжаликлари ва томорқалардаги экинларни суғориш тизими яхшиланди.

Депутатлар томонидан ўтказиладиган ўрганишлар натижалари асосида жамоат эшитувлари ташкил этилиб, депутатлик сўровлари юбориш орқали муаммоларни бартараф қилиш чоралари кўриляпти. Шунингдек, жамоатчилик ва Кенгаш назоратини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, аҳолининг бандликка оид мурожаатларини тизимли ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига асосан 108 та “оғир” маҳалла аниқланиб, асосий куч ва ресурсларни айнан шу ҳудудларга йўналтириб, камбағаллик даражасини кескин камайтириш чоралари кўриляпти. Республика бюджетидан ҳар бир “оғир” маҳалла учун 2 млрд. сўм, вилоят бюджетидан 1 млрд. сўмдан қўшимча маблағлар ажратилиб, инфратузилмани яхшилаш, аҳоли учун янги иш ўрни ва даромад манбаи яратишга эътибор қаратилмоқда.

Вилоят Кенгаши депутатлари бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш борасидаги устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатмоқда. Асосий мақсад воҳа иқтисодиётининг барча тармоқларини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини оширишдир.

**Исмигул ХУШМУРОДОВА,**
**Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси.**

# МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида Сирдарё вилоятида маданият ҳамда спорт ташкилотлари фаолиятини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.*

Таъкидланганидек, мамлакатимизда маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда.

2025 йилда республика бюджетидан Маданият вазирлигига 1,2 трлн. сўм, шундан вазирликнинг ривожлантириш дастурлари учун 252 млрд. сўм ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 мартдаги тегишли қарори билан спорт соҳасини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга қаратилган янги механизмлар жорий этилди.

Шу билан бирга, қўмита томонидан вилоятда ўтказилган ўрганишлар давомида бу соҳаларда қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Хусусан, маданият соҳасида ҳудудий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилмагани, айрим маданият марказлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг бинолари таъмирталаб аҳволда экани, иситиш тизимлари ва муҳандислик коммуникацияларини янгилаш зарурати борлиги қайд этилди.

Спорт соҳасида эса қурилган айрим объектлар давлат рўйхатидан ўтказилмагани, қатор маҳаллаларда спорт инфратузилмаси мавжуд эмаслиги аниқланди.

Мажлисда адаптив спортни ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахслар учун муносиб шароитлар яратиш, спорт мактабларида мураббийлар малакасини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини спортга кенг жалб қилиш, спорт мактаблари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда умумтаълим мактабларида спорт залларини барпо этиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Муҳокама давомида мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилиб, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Мамлакатимизда 2030 йилгача яширин иқтисодиёт ҳажмини икки баробар қисқартириш, расмий банд аҳоли сонини 14 млн. нафарга, нақдсиз тўловлар улушини 75 фоизга етказиш мақсад қилинган.**

# ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ – ПАРЛАМЕНТ ЭЪТИБОРИДА

◀1 Хусусан, электрон тижорат соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси орқали рақамли савдо муносабатларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, товар ва хизматлар ҳақида тўлиқ ҳамда ишончли ахборот тақдим этилишини таъминлаш, электрон савдо иштирокчилари учун шаффоф ҳуқуқий муҳитни шакллантириш назарда тутилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда архив соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам давлат бошқарувида очиқлик ва самарадорликни таъминлаш йўлидаги муҳим ҳуқуқий қадамлардан бири бўлди.

Шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қонун ташаббуси эса рақамли хизматлар кўлами кенгайиб бораётган шароитда фуқароларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Халқаро тўлов тизимлари ва рақамли платформаларнинг мамлакатимиз бозорига кириб келиши муносабати билан шахсий маълумотларни ишончли муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, кредит муносабатларида масъулиятли ёндашувни шакллантириш ҳамда молиявий хизматлар рекламасининг очиқлиги ва ишончлилигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси қабул қилинди. Ушбу ташаббус фуқароларнинг молиявий қарорлар жараёнида етарли ахборотга эга бўлишини таъминлаш орқали ортиқча қарз юкининг олдини олишга хизмат қилади.

Қўмита эътибор қаратаётган яна бир муҳим йўналиш — инновацион иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳуқуқий муҳитни янада такомиллаштириш масаласидир.

Ҳисобот даврида мазкур йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунчилик ташаббуслари изчил давом эттирилди. Хусусан, креатив иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси орқали мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, маданий тадбирлар сифатини ошириш, миллий креатив маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш назарда тутилди.

Яна бир тайёрланган қонун лойиҳаси суғурта хизматлари ҳақида фуқароларга тўлиқ ва холис ахборот етказиш, реклама материалларининг ишончлилигини таъминлаш ҳамда суғурта бозорида соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилди.

Муҳим қонунчилик ташаббусларидан яна бири — "Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди. Айни вақтда мазкур ҳужжат Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган.

Шу кунларда қўмита ташаббуси билан фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ жорий этишга оид, шунингдек, "Стартаплар тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида қўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти тизимли асосда ташкил этилган. Қабул қилинган қонунларнинг амалдаги ижросини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш амалиёти ҳам изчил давом эттирилди.

Ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари якунлари бўйича соҳаларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва тармоқларни янада ривожлантиришга қаратилган қўмита қарорлари қабул қилинган ҳамда уларнинг ижроси доимий парламент назоратига олинган.

Қўмита аъзолари томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқишга алоҳида масъулият билан ёндашилган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қўмита номига келиб тушган 210 та мурожаат қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, уларнинг 120 таси юзасидан ижобий ечимга эришилган.

Қонунчиликни такомиллаштиришда фуқароларнинг таклифлари муҳим ўринга эга. Ярим йиллик фаолият давомида қўмитага рақамли мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кибержиноятчиликка қарши жавобгарликни кучайтириш, электрон тижоратни такомиллаштириш, "Mening inspektorim" платформаси имкониятларини кенгайтириш, ҳудудий медиа марказларини ривожлантириш каби долзарб йўналишларда қонунчиликни такомиллаштиришга доир 15 та таклиф тушган. Уларнинг ҳар бири соҳа бўйича масъул вазирлик ва идоралар иштирокида ўрганилиб, ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланган.

Кенгаш йиғилишида қайд этилганидек, Президентимиз томонидан белгиланган стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда рақамли трансформация жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, инновацияларга асосланган иқтисодиёт учун мустаҳкам қонунчилик пойдеворини яратиш ҳамда рақамли технологияларнинг барча соҳага кенг жорий этилиши учун замонавий ҳуқуқий муҳитни шакллантириш қўмита фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РАВНАҚИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Ўзбекистон босиб ўтган тарихий йўлни сарҳисоб қилар эканмиз, ўтган даврда барча соҳаларда рақамли трансформация, замонавий технологияларни қўллаш орқали кенг кўламлиислоҳотлар амалга оширилаётганини, уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий ҳамда институционал пойдеворияратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.*

**Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига**

## Технологик ўзгаришлар даврига ишончли қадам

**Илҳом АБДУЛЛАЕВ,**
**қўмита раиси:**



— Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида Ўзбекистон кенг кўламли технологик ўзгаришлар даврига ишонч билан қадам қўйганини фахр билан таъкидлаймиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг изчил сиёсати туфайли рақамли трансформация давлат тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланиб, жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларини — давлат бошқаруви ва иқтисодиётдан тортиб таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишгача қамраб олмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон модернизация йўлида катта масофани босиб ўтди. Бироқ айнан сўнгги йилларда инновацион иқтисодиёт ва рақамли технологияларни ривожлантириш тизимли ва стратегик хусусият касб этди. Давлат раҳбари бошчилигида замонавий норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, рақамли ва инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг самарали институтлари яратилди, илғор ахборот технологиялари фаол жорий этилмоқда, алоқа инфратузилмаси кенгаймоқда, миллий ахборот муҳитининг сифати изчил яхшиланмоқда.

Инновациялар ва рақамлаштиришга қаратилган ҳозирги курс — бу шунчаки янги технологияларни қўллаш эмас. Бу очиқлик, самарадорлик, рақобатбардошлик, шаффофлик ва фуқаролар эҳтиёжларига йўналтирилганликка асосланган давлат бошқарувининг сифат жиҳатдан янги фалсафасидир. Қулай рақамли хизматларни яратиш, инновацияларни жорий этиш, электрон ҳукуматни ривожлантириш, сунъий интеллект, катта маълумотлар ва замонавий платформалар технологияларидан фойдаланиш фуқаролар ҳаёти сифатини ҳамда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бундай шароитда Ўзбекистон Республикасининг рақамли суверенитетини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Замонавий шароитда давлатнинг инновацион экомуҳитни шакллантириш ва ривожлантириш, миллий рақамли инфратузилмани мустақил равишда тараққий эттириш, маълумотларни ишончли ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги ва рақамли платформалар барқарорлигини таъминлаш қобилияти барқарор суверен тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

Бугунги кунда инновацион ривожланиш алоҳида тармоқларнинг вазифаси сифатида эмас, балки давлатнинг узоқ муддатли рақобатбардошлиги асоси сифатида қаралаётгани, айниқса, муҳимдир. Янги юқори технологияли ишлаб чиқаришлар шаклланмоқда, замонавий тадқиқот марказлари ташкил этилмоқда, рақамли тадбиркорлик ривожланмоқда, IT-хизматлар экспорти ўсмоқда, илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда.

Олдимизда янги кенг кўламли вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли амалга ошириш давлат, парламент, илмий ҳамжамият, бизнес ва фуқаролик жамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб этади.

## Билимли ва глобал фикрлайдиган авлод

**Зуҳра МИРҒОЗИЕВА,**
**қўмита раисининг ўринбосари:**



— Сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, замонавий технологияларни барча соҳаларга жорий этиш ва малакали IT мутахассисларини тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу эзгу мақсад, аввало, билимли, рақобатбардош ва глобал фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

"Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида ёшларни IT соҳасига кенг жалб этиш бўйича амалий натижаларга эришилмоқда. "Беш миллион сунъий интеллект етакчиси" лойиҳаси доирасида 410 минг нафар ёш онлайн курсларда рўйхатдан ўтиб, 280 минг нафари халқаро сертификат олди. Ёшларга қулайлик яратиш мақсадида халқаро платформадаги 3 000 та курс ўзбек тилига таржима қилинди.

Миллий платформалар орқали ҳам катта қамров таъминланмоқда. "omp.aistudy.uz" платформасида 1 миллиондан ортиқ ёшлар рўйхатдан ўтиб, 819 776 нафари таълим олди. "IT-iste'dod" лойиҳаси доирасида 157 нафар ёшнинг ўқиш ва сертификатлаш харажатлари учун 1,035 млрд. сўм компенсация ажратилди. Натижада IT-сертификатга эга ёшларнинг 50 фоизи иш билан таъминланиб, уларнинг ўртача ойлик даромади 7 млн. сўмга етмоқда.

Бу ислоҳотлар ҳудудларда ҳам кенг қулоч ёймоқда. Тошкент, Нукус, Қарши, Термиз, Урганч ва Фарғонада замонавий IT-парклар ишга туширилди, бошқа шаҳарларда ҳам шундай йирик турдошлари барпо этилмоқда. "IT-шаҳарча", "IT-Talents", "IT-iste'dod", "Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари", "Мирзо Улуғбек ворислари" ва "School 21" каби лойиҳалар минглаб ёшларга замонавий билим ва касб эгаллаш имконини бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, бугун давлатлар ҳудуди ёки табиий бойлиги билан эмас, билими, технологияси ва инсон капитали билан рақобатга киришмоқда. Шу маънода, IT касбларини эгаллаш Янги Ўзбекистон ёшлари учун тараққиёт йўлига айланмоқда.

## Сунъий интеллект — янги имконият

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ,**
**қўмита раисининг ўринбосари:**



— Бугун сунъий интеллект давлат бошқаруви, иқтисодиёт, таълим, тиббиёт ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширадиган муҳим стратегик воситага айланмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 14 октябрдаги қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Унга кўра, 2030 йилгача давлат хизматларида сунъий интеллект асосидаги хизматлар улушини 10 фоизга етказиш, 10 та илмий лаборатория ташкил этиш ва Ўзбекистонни "Government AI Readiness Index" рейтингида энг яхши 50 та давлат қаторига киритиш мақсад қилинган.

Соҳанинг ҳуқуқий ва амалий асослари ҳам мустаҳкамланмоқда. 2026 йил 21 январда имзоланган қонун билан "сунъий интеллект" тушунчаси, ундан фойдаланишнинг асосий шартлари қонунчиликда мустаҳкамланди, Рақамли технологиялар вазирлиги махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Бугун "MyID" биометрик идентификация тизимидан 15,5 миллиондан кўп фойдаланувчилар рўйхатдан ўтган, 3 мингдан ортиқ давлат хизматчилари ўқитилган, 2 миллиондан зиёд ёшлар тегишли сертификатларга эга бўлган. Ўзбекистоннинг "Government AI Readiness Index" рейтингида 188 та давлат орасида 62-ўринни эгаллагани ҳам бу борадаги ислоҳотлар самарасини кўрсатади.

Келгуси босқичда 2026 йил якунига қадар камида 100 та сунъий интеллект лойиҳасини амалга ошириш, олий таълим муассасаларида 15 та лаборатория ташкил этиш, "ai.gov.uz" миллий порталини ишга тушириш, 100 млн. АҚШ долларидан ортиқ инфратузилма лойиҳаларини ривожлантириш ва 15 млрд. параметрли "Ўзбек тили корпуси"ни яратиш режалаштирилган. Ишончимиз комилки, бу ишлар мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини ошириш, давлат хизматларини янада қулайлаштириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

## Телекоммуникация — соғлом рақобат асоси

**Бахтиёр МАНИЯЗОВ,**
**қўмита аъзоси:**



— Янги Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, Конституциянинг 33-моддасида ҳам давлат интернетдан фойдаланиш учун шарт-шароит яратиши белгилаб қўйилган.

Сўнгги йилларда оптик толали алоқа тармоқлари кенгайди, минглаб маҳаллалар ва ижтимоий объектлар тезкор интернет билан қамраб олинди. "4G" тармоғи кенг жорий этилмоқда, "5G" технологиясини ривожлантириш ишлари давом этмоқда. Интернет сифати яхшиланиб, нархлар аҳоли учун янада қулай бўлмоқда.

Янги таҳрирдаги "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун соҳа ривожи, соғлом рақобат, инвестициялар ва истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояси учун мустаҳкам асос яратди. Бу ислоҳотлар рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, халқимизга қулай хизматлар кўрсатиш ва Янги Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.

## Тиббий хизмат: қулайлик ва самарадорлик

**Мавлуда ИБРАГИМОВА,**
**қўмита аъзоси:**

— Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган энг муҳим лойиҳалардан бири — "Ягона тиббиёт ахборот тизими" — "DMED" бўлиб, у орқали аввал алоҳида ишлаган 60 га яқин тизимлар ягона платформага бирлаштирилди.



Бугун "DMED" орқали "электрон поликлиника", "электрон шифохона", "электрон тиббий карта", "электрон рецепт", лаборатория ва эмлаш хизматлари ягона тизимда ишламоқда. 4 мингдан ортиқ тиббиёт муассасалари ушбу тизимга уланган, қарийб 39 млн. аҳоли учун ягона электрон тиббий карта — "MED-ID" шакллантирилган. Натижада қоғозбозлик камайиб, 78 млрд. сўм маблағ тежалди. "DMED" мобиль иловасидан эса 1,5 миллиондан зиёд фуқаролар фойдаланмоқда.

Рақамлаштириш шифокор ва бемор учун янги қулайликлар яратмоқда: бемор маълумотини киритиш вақти 40 дақиқадан 10 дақиқага қисқарди, "электрон рецепт" тизими дори воситаларининг шаффоф айланишига хизмат қилмоқда, "MyID" биометрик аниқлаш тизими хавфсизликни оширмоқда.

## Фуқароларнинг беминнат дастёри

**Шухрат ШАРАФУТДИНОВ,**
**қўмита аъзоси:**



— "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида рақамли технологияларни иқтисодиётнинг барча тармоқларига кенг жорий этиш, давлат хизматларини рақамлаштириш, инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар улушини изчил ошириш муҳим вазифалар сифатида белгиланган.

2019 йилда қабул қилинган "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонун, 2024 йилда унга киритилган ўзгартиришлар, шунингдек, банк ва рақамли иқтисодиётга оид қонунлар электрон тўловлар бозорини ривожлантириш, рақобатни кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқлари, молиявий хавфсизлик ва ахборот муҳофазасини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугун "Click", "Payme", "Paynet", "OSON", "Uzum Bank" каби миллий тўлов хизматлари миллионлаб фуқароларнинг кундалик ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди.

Рақамли иқтисодиёт ривожлангани сари киберхавфсизлик, молиявий фирибгарликка қарши курашиш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, "Open Banking", рақамли идентификация ва сунъий интеллектдан молиявий хизматларда фойдаланиш каби масалалар янада долзарб бўлмоқда. Парламент, Ҳукумат, Марказий банк, IT соҳаси ва хусусий сектор ҳамкорлигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар электрон тўловлар тизими хавфсиз, қулай ва ишончли бўлишига, Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги рақамли молиявий хизматлар марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.

## Электрон тижорат — барқарор «ўсиш нуқтаси»

**Атҳам НАЗИРҚУЛОВ,**
**қўмита аъзоси:**



— Бугун онлайн савдо, рақамли тўловлар, маркетплейслар, логистика ва электрон хизматлар бир бутун рақамли экотизимни шакллантирмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам изчил мустаҳкамланмоқда. Янги таҳрирдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун электрон савдо, рақамли тўловлар, электрон ҳужжат айланиши, истеъмолчилар ҳуқуқлари, шахсий маълумотлар ҳимояси ва киберхавфсизлик бўйича замонавий ҳуқуқий асос яратди. Бу эса тадбиркорлар ва харидорлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаб, онлайн савдо платформалари, курьерлик хизматлари, IT-компаниялар, финтех лойиҳалари ва рақамли сервислар орқали минглаб ёшлар учун янги иш ўринлари ва даромад манбаларини очмоқда.

Ўзбекистонда электрон савдо платформалари сони 2024 йил 1 январдагига нисбатан 44 тага кўпайиб 2025 йил 1 январь ҳолатига 115 тани ташкил қилмоқда. Чет эл савдо платформалари орқали Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар айланмаси ҳажми 2025 йилда 2024 йилдагига нисбатан 805 млн. долларга ўсиб 1 млрд. 410 млн. долларга етди. Шунингдек, электрон тижорат савдоси ҳажми ҳам 2025 йил якуни бўйича 2024 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ўсиб, 22,7 трлн. сўмни ва жами чакана савдодаги электрон тижорат савдосининг улуши 4,6 фоизни ташкил этди. Электрон тижорат соҳасида ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони 2024 йилдагига нисбатан 112,1 мингтага кўпайиб, 2025 йилда 514,9 мингтага етди. Бу натижалар электрон тижорат ва рақамли иқтисодиёт Янги Ўзбекистон тараққиёти, бизнес муҳити, экспорт салоҳияти ва халқ фаровонлиги учун муҳим таянчга айланаётганини кўрсатади.

## Ривожланишнинг амалий шарти

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
**қўмита аъзоси:**

— Ўзбекистонда инновацион ривожланиш миллий тараққиётнинг муҳим йўналиши сифатида белгиланиб, бу соҳада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Хусусан, 10 га яқин қонунлар, Президентимизнинг 50 га яқин фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 36 та қарори имзоланди. "Инновацион фаолият тўғрисида"ги Қонун, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва бошқа муҳим ҳужжатлар илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни уйғун ривожлантиришга хизмат қилмоқда.



Ислоҳотлар амалий натижалар бермоқда: илм-фан ва инновацияларга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ 1,5 трлн. сўмдан ошди, ёш олимлар сони 6,5 мингдан 11 минг нафарга етди, 30 га яқин инновацион институтлар ташкил этилди, 28 та туман ва шаҳар инновацион ҳудуд деб эълон қилинди. Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индексдаги ўрни ҳам яхшиланиб, 2025 йилда 139 та давлат орасида 79-ўринни эгаллади. Бу 2020 йилдагига нисбатан 14 поғона, 2015 йилдагига қараганда эса 43 поғона юқорилаш, демакдир.

Инновациялар энди ҳаётнинг аниқ соҳаларида натижа бермоқда. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар қўлланилаётган майдон 2019 йилда 75 минг гектар бўлгани ҳолда бугун миллион гектардан ошди.

## Замонавий таълим динамикаси

**Елена КОМПОЛЬШИК,**
**қўмита аъзоси:**



— Бугун Ўзбекистон таълим тизими жадал рақамлаштирилмоқда. 100 фоиз умумтаълим мактабларига интернет инфратузилмаси олиб кирилган, таълим муассасалари ички локал тармоқ ва ўқитувчилар хоналари Wi-Fi билан таъминланган. Шунингдек, "UZINFOCOM" билан ҳамкорликда қарийб 20 та рақамлаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда, "my.gov.uz" портали орқали 20 га яқин интерфаол хизматлар рақамлаштирилган.

Рақамли таълим платформалари ўқув жараёнини янада қулай ва шаффоф қилмоқда. "eMaktab", электрон журнал ва кундаликлар, "ZiyoNET" миллий таълим тармоғи ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналар учун янги имкониятлар яратмоқда. IT-таълим ҳам кенг ривожланмоқда: "Беш миллион сунъий интеллект етакчилари" лойиҳаси доирасида 393 120 нафар ёш "Coursera" орқали, 493 300 нафар ёш "omp.aistudy.uz" платформаси орқали ўқитилди. Янги Ўзбекистон университети базасида 1 200 нафар информатика ўқитувчиси ментор сифатида тайёрланди, "InfoTeach — 2026" форумида 6 мингдан ортиқ ўқитувчилар ва 150 дан зиёд АКТ мутахассислари иштирок этди.

Мактабларни замонавий техника билан таъминлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2023 — 2026 йилларда 7 мингга яқин мактаблар компьютер синфлари билан жиҳозланди, бу мақсадлар учун 2025 йилда эса 200 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. 2026 йилда 1 000 та компьютер синфи ва 6 300 та интерфаол доска бўйича ишлар давом этмоқда. "PISA — 2025" доирасида 227 та мактабга 1 135 та электрон доска етказилди, мактабгача таълимга эса 16 мингга яқин планшетлар йўналтирилди. Бу ислоҳотлар рақамли иқтисодиёт шароитида билимли, рақобатбардош ва замонавий фикрлайдиган янги авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

## IT стартаплар ва истиқболли лойиҳалар

**Беҳзод ТЎХТАМУРОДОВ,**
**қўмита аъзоси:**



— Ўзбекистон стартап экотизими беш йил ичида 14 марта ўсиб, 4,3 млрд. АҚШ долларига етди. "Global Startup Ecosystem Index 2026" рейтингида мамлакатимиз бир йилда 19 поғона юқорилаб, дунёда 79-ўринни эгаллади ва "Country of the Year 2026" эътирофига сазовор бўлди.

Бугун стартап экотизимининг ягона электрон платформасида йил бошидан 800 дан ортиқ лойиҳалар рўйхатдан ўтди, умумий стартаплар сони мингдан ошди. 160 дан кўп стартапларга хорижий ва маҳаллий венчур фондларидан инвестиция жалб қилди. Умуман, ўзбек стартаплари 400 млн. АҚШ долларидан ортиқ сармоя жалб этди. Илк "юникорн" компаниямиз очилиб, у 278 млн. доллардан зиёд инвестиция жалб қилди, қийматини 2,3 млрд. долларга етказди. 2025 йилнинг ўзида стартаплар 329 млн. доллардан ортиқ инвестиция олди, бу 2024 йилдаги 69,5 млн. долларга нисбатан 473 фоиз ўсишдир.

Ёш стартапчиларни қўллаб-қувватлаш ҳам кенгаймоқда. "President Tech Award" танловининг 2023 — 2025 йиллардаги уч мавсумида 13 мингдан ортиқ иштирокчилар ва 1 500 дан зиёд лойиҳалар қатнашиб, 200 дан кўп янги иш ўринлари яратилиши ҳамда 12 млн. доллардан зиёд венчур инвестиция жалб этилишига хизмат қилди. Президентимизнинг 2026 йил 11 февралдаги қарори билан 2030 йилгача стартаплар сонини 5 мингтага, венчур инвестициялар ҳажмини 2 млрд. долларга етказиш вазифаси белгиланди. Бу мақсадлар ва ишлаб чиқилаётган "Стартаплар тўғрисида"ги қонун Ўзбекистонни минтақанинг етакчи инновацион ва стартап марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.

## Ижтимоий ҳимоя — инсон манфаати учун

**Иба НАРИЗОВА,**
**қўмита аъзоси:**



— Сўнгги йилларда ижтимоий ҳимоя соҳасида рақамли ислоҳотлар кенгайиб, ёрдамни ҳақиқатан муҳтож инсонларга тез, шаффоф ва манзилли етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. У орқали оилаларнинг даромади ва ижтимоий ҳолати электрон маълумотлар асосида баҳоланиб, ортиқча ҳужжатбозлик ва инсон омили қисқартирилмоқда, нафақа ва моддий ёрдамлар автоматлаштирилган тартибда тайинланмоқда.

Албатта, айрим ҳудудларда рақамли хизматлардан фойдаланиш имконияти ва ижтимоий хизматлар сифати бўйича ҳал этилиши керак бўлган масалалар ҳам бор. Шу боис парламент томонидан соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва ижро устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Киберхавфсизлик — рақамли тараққиёт кафолати

**Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА,**
**қўмита аъзоси:**



— Бугун Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 31 миллиондан ошди, шундан 14 миллиондан зиёди ижтимоий тармоқларда фаол. Бу фактлар рақамли хизматлар ҳаётимизга чуқур кириб келаётганини кўрсатади. Аммо шу билан бирга, онлайн фирибгарлик, банк карталари маълумотларини ўғирлаш, аккаунтларни бузиш ва шахсий маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш каби хавфлар ҳам ортиб бормоқда.

Сўнгги олти йилда кибержиноятлар бўйича мурожаатлар 48 баробарга ошган. Ўтган йил фирибгарлик жиноятларининг 82 фоизи, ўғирлик жиноятларининг 76 фоизи кибермаконда содир этилган. Бундай жиноятлар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар 2 трлн. сўмдан ошган, айрим банк тизимларидаги техник заифликлар сабаб 3025 нафар мижозга қарийб 17 млрд. сўмлик зарар етказилган. Бу киберхавфсизлик масаласи ҳар бир фуқаро, бизнес ҳамда давлат учун нақадар муҳим эканини кўрсатади.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан киберхавфсизлик стратегияси ва кибержиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ислоҳотлар шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш, рақамли хизматлар хавфсизлигини ошириш, фуқароларнинг рақамли ҳуқуқларини кафолатлаш ва хавфсиз рақамли маконни шакллантиришга қаратилган. Зеро, ишончли киберхавфсизлик — рақамли иқтисодиёт барқарорлиги, фуқаролар ҳуқуқлари ва Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам кафолати.

## Қоғозсиз ҳукумат — халққа яқин давлат

**Диёр ҲУСАНОВ,**
**қўмита аъзоси:**



— "my.gov.uz" порталида 800 дан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатилмоқда, фаол фойдаланувчилар сони 11 миллиондан ошди. Шу билан бирга, рақамли хизматлардан мустақил фойдалана олмайдиган фуқаролар учун шаҳар ва туманларда замонавий давлат хизматлари марказлари ишламоқда.

Рақамли ҳукуматнинг асосий мақсади — фуқаро ва давлат ўртасидаги масофани қисқартириш, ортиқча қоғозбозлик ва бюрократияни камайтиришдир. "Ягона ойна" тамойили асосида одамлар бир жойдан туриб турли идоралар хизматидан фойдаланмоқда. Масалан, уй-жой расмийлаштирилганда маълумотлар кадастр, электр, газ ва сув ташкилотларига автоматик узатилади. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам давлат хизматларини "3 қадам", "барчаси бир мобиль иловада" ва "фойдаланувчи учун мослаштирилган" тамойиллар асосида рақамлаштириш белгиланган.

Бу борада амалий натижалар бор: 200 га яқин хизматлар қайта кўриб чиқилди, аҳоли ва тадбиркорлардан 150 турдаги ҳужжат ва маълумот сўраш бекор қилинди, 30 га яқин хизматлар натижасини автомат тақдим этиш, 30 дан ортиқ хизмат натижасини почта орқали етказиш йўлга қўйилди. Келгусида 500 дан зиёд хизматлар жараёни соддалаштирилади, 20 дан ошиқ хизматлар тўлови камайтирилади, 50 дан кўпроқ хизматлар автоматлаштирилади, композит ва проактив хизматлар сони камида 400 тага етказилади. Яъни рақамли ҳукумат — бу шунчаки технология эмас, балки одамларнинг вақтини тежаш, оворагарчиликни камайтириш ва давлатни халққа янада яқин қилиш демакдир.

**«Халқ сўзи».**

**2026 йилнинг январь — май ойлари якунларига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 3,7 фоизга ўсиб, 32,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.**

# ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ КУЧИ

*Президентимиз 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Олимпия шаҳарчасида фаол ва изланувчан ёшлар билан учрашувда уларнинг имкониятлари ҳақида тўхталиб, йигит-қизларни Янги Ўзбекистонни бунёд қиладиган стратегик куч сифатида эътироф этди.*

*Бундай ёндашув бугунги глобаллашув шароитида беқиёс аҳамиятга эга. Чунки дунё мисли кўрилмаган технологик ўзгаришлар даврига кирди. Сунъий интеллект, робототехника, биотехнологиялар, рақамли иқтисодиёт ҳамда "яшил" технологиялар меҳнат бозорини ҳам, таълим тизимини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Кеча долзарб бўлган касбларнинг айримлари бугун эскирмоқда, янги мутахассисликлар пайдо бўлаётир. Бундай шароитда эса ёшлар сиёсатини миллий рақобатбардошликни таъминлайдиган инвестиция сифатида кўриш мақсадга мувофиқ.*

**Нуқтаи назар**



Мулоқотда айнан мана шу ғоя бош мезон сифатида илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари эришилган натижаларни эътироф этиш билан бирга, ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ҳам белгилаб берди. "Бу ёшлар билан боғлиқ барча масалалар ҳал бўлди, дегани эмас" деган фикр масъул идоралар, ҳокимлар, ректорлар ва таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу ёндашув давлат бошқарувида натижадорлик ҳамда доимий мулоқот тамойили устувор эканини англатади.

Мазкур тарихий мулоқот биз, олий таълим тизими вакилларини ҳам хулоса чиқаришга ундайди. Негаки, университет ғоя туғиладиган, илм амалиёт билан уйғунлашадиган, ёшлар ташаббуси қўллаб-қувватланадиган ва эртанги кун иқтисодиётини яратадиган инсонлар шаклланадиган макондир. Бугун аудиторияда ўтирган талаба эртага сунъий интеллект ечимларини яратадиган муҳандис, янги технологияларни ишлаб чиқадиган олим, мамлакат иқтисодиётини ривожлантирадиган мутахассис ёки жамиятни олдинга бошлайдиган раҳбар бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир университет ўз фаолиятини таълим бериш билан бир қаторда, инсон капиталини юксалтириш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ёш авлод вакиллари салоҳиятини рўёбга чиқариш мезонлари асосида баҳолаши зарур.

### Билим, касб ва технология: янги тараққиёт формуласи

Дунё мисли кўрилмаган суръатларда ўзгариб бораётир. Атиги ўн йил аввал тасаввурга ҳам сиғмаган сунъий интеллект технологиялари бугун тиббиётдан тортиб саноат, қишлоқ хўжалиги, банк тизими ва таълимгача бўлган деярли барча соҳаларда янги имкониятларни юзага чиқармоқда. Робототехника ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан ўзгартиряпти, рақамли иқтисодиёт эса давлатларнинг рақобатбардошлигини белгиловчи асосий омиллардан бирига айланди.

Бундай шароитда ҳар қандай давлат олдида табиий савол туғилади: келажак иқтисодиётини ким яратади? Жавоб аниқ: билимли, касб-ҳунарли, технологик тафаккурга эга ёшлар.

Давлатимиз раҳбари ҳам бугунги куннинг муваффақият формуласи ва эртанги тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори уч таянчга — билим, касб ва технологияга таянишини алоҳида таъкидлади. Бу ривожланишнинг асосий қонуниятидир.

Бугун корхоналар ҳам кўпроқ янги ғоя ҳамда инновацияларга эҳтиёж сезмоқда. Меҳнат бозорида эса амалий компетенция, креатив фикрлаш ва янги технологияларни қўллай олиш қадрланмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, учрашувда илгари сурилган "Билимлар иқтисодиёти" ғояси мамлакатимиз тараққиётининг узоқ муддатли стратегиясини ифодалайди.

"Билимлар иқтисодиёти", бу — илмий кашфиётлар ишлаб чиқаришга тез татбиқ этиладиган, университетлар инновациялар марказига айланадиган, ёшларнинг ғоялари янги корхоналар ва технологияларга асос бўладиган тараққиёт моделидир. Бундай моделда энг қиммат ресурс инсоннинг тафаккури ҳисобланади.

Олимпия шаҳарчасида намойиш этилган ёшлар лойиҳалари ҳам ана шу янги ёндашувнинг амалий ифодаси бўлди. Сунъий интеллект асосидаги ишланмалар, робототехника, дрон технологиялари, янги авлод автомобиллари бўйича тақдим қилинган ишланмалар мамлакатимизда муҳандислик тафаккури янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади. Айниқса, ёш муҳандисларнинг маҳаллий антидрон тизимларини яратиш йўлидаги изланишлари, ҳудудларда фаолият юритаётган технопарк резидентларининг ишланмалари инновацион ривожланишнинг географик қамрови кенгаяётганидан дарак.

Бугун олий таълим муассасалари олдида ҳам айнан шундай вазифа турибди. Университет фақат илмий мақолалар сонини кўпайтириш билан кифояланмаслиги керак. У иқтисодиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган ечимлар яратиши, стартапларни қўллаб-қувватлаши, талабаларни инновацион фикрлашга ўргатиши ва илмий ишланмаларни ишлаб чиқариш билан боғлаши зарур.

Шу маънода, Президентимиз томонидан эълон қилинган "Келажак билимлари экотизими" ташаббуси ёшлар сиёсатининг янги босқичини бошлаб беради. Мазкур тизим орқали ҳар йили юз минглаб йигит-қизларни замонавий касбларга тайёрлаш, таълим инфратузилмасини кенгайтириш ҳамда хусусий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Бу нафақат таълим тизими, балки бутун иқтисодиёт учун узоқ муддатли инвестиция ҳисобланади.

Энг муҳими, ушбу ташаббус ёшларни янги билим яратувчисига айлантиришни мақсад қилади. Ана шундай ёндашувгина Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлигини мустаҳкамлаб, Учинчи Ренессанс ғоясини амалий мазмун билан бойитади.

> ***“Президентимиз томонидан эълон қилинган “Келажак билимлари экотизими” ташаббуси ёшлар сиёсатининг янги босқичини бошлаб беради. Мазкур тизим орқали ҳар йили юз минглаб йигит-қизларни замонавий касбларга тайёрлаш, таълим инфратузилмасини кенгайтириш ҳамда хусусий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Бу нафақат таълим тизими, балки бутун иқтисодиёт учун узоқ муддатли инвестиция ҳисобланади.”***

Дунёнинг илғор давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, билимга киритилган ҳар бир сармоя узоқ муддатда иқтисодий ўсиш, юқори унумдорлик ва ижтимоий фаровонликка хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу мамлакатларда таълим харажатлари самарали инвестиция сифатида қаралади.

Янги Ўзбекистонда ҳам айнан шундай ёндашув шаклланмоқда. Ҳар йили 500 минг нафар ёшни замонавий касбларга тайёрлаш вазифаси меҳнат бозорининг эртанги эҳтиёжларини бугундан қондириш, янги саноат тармоқлари учун малакали кадрлар захирасини яратиш ва ёшларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим қарордир.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизим марказлашган бошқарувдан кўра ташаббускорлик тамойилига таянади. Эндиликда ўқув маркази ташкил этишни истаган ёшлар учун ер ҳамда давлат объектларини имтиёзли шартларда олиш, тўловларни беш йил давомида фоизсиз бўлиб-бўлиб амалга ошириш, инфратузилмани давлат томонидан яратиш, кредит фоизларининг бир қисмини компенсация қилиш каби қулай механизмлар жорий этилмоқда.

Бу қарор замирида чуқур иқтисодий мантиқ ётади. Давлат барча ишни ўзи бажаришга уринмаяпти. Аксинча, ташаббусни ёшларнинг ўзига бермоқда, ўзи эса уларнинг муваффақияти учун зарур шароитни яратмоқда. Бу замонавий бошқарувнинг энг самарали тамойилларидан биридир.

Яна бир муҳим жиҳат, хорижий илғор ўқув дастурлари ва малакали мутахассисларни жалб этиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш белгиланди. Бу орқали нафақат таълим сифати ошади, балки халқаро тажриба ҳудудларга тезроқ кириб боради. Натижада ёшлар замонавий билимни чет элга чиқмасдан туриб ҳам эгаллаш имкониятига эга бўлади.

### Келажакка йўналтирилган сармоя

Билим инсоннинг тафаккурини бойитса, касб унинг ҳаётдаги мустақил ўрнини белгилайди. Учрашувда эълон қилинган “Касб ваучери” тизими ёшлар сиёсатининг амалий ташаббусларидан бири сифатида эътиборга молик. Ҳар йили 50 минг нафар ёшнинг замонавий касбларни ўрганиш харажатларини фоизсиз ссуда асосида қоплаш, эҳтиёжманд оилалардаги 85 минг нафар ишсиз йигит-қизни бепул касбга ўқитиш ва бу ишлар учун 120 млрд. сўм маблағ ажратилиши инсон капиталига йўналтирилган катта сармоядир.

Мазкур ташаббуснинг ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёс. Чунки бугунги кунда кўплаб ёшлар билим олиш истагида бўлса-да, уларнинг молиявий имкониятлари чекланган. “Касб ваучери” ана шу тўсиқни бартараф этишга хизмат қилади. Натижада касб эгаллаш имконияти ёшларнинг оилавий шароитига эмас, унинг интилиши ва меҳнатсеварлигига боғлиқ бўлади.

Муҳими, ушбу тизим ёшларни иш изловчидан иш ўрни яратувчига айлантиришни кўзлайди. Замонавий касбга эга бўлганлар нафақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам бандлигини таъминлай оладиган тадбиркорга айланмоқда. Бу эса иқтисодий фаолликни оширади, янги иш ўринлари яратади ва ҳудудлар ривожига хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугун навқирон авлодни қўллаб-қувватлашнинг янги фалсафаси марказида эзгу ғоялар турибди: ёшлар давлат сиёсатининг объекти эмас, Янги Ўзбекистон тараққиётининг бош субъектидир. Бугун мамлакатимизда 650 мингдан ортиқ ёшлар хорижий тилларни мукаммал билади. Бу жуда катта интеллектуал салоҳият. Президентимиз ана шу салоҳиятни Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузини мустаҳкамлайдиган ресурс сифатида баҳолади. Буюк тарихимиз, бой маданий меросимиз, сайёҳлик салоҳиятимиз ва миллий қадриятларимиз ҳақида хорижий тилларда сифатли рақамли контент яратишга қаратилган “Рақамли контент” платформаси айнан шу мақсадга хизмат қилади. Бу ташаббусни замонавий “халқ дипломатияси”нинг янги модели, десак, тўғри бўлади.

Ўрни келганда айтиш жоиз, йиллар давомида кўплаб мамлакатларда олийгоҳ битирувчиларини қийнаган муаммолардан бири — таълимдан меҳнат бозорига ўтиш жараёнидир. Олийгоҳ битирувчисини ишга олган тадбиркор учун даромад ва ижтимоий солиқ ставкасини бир йил давомида 1 фоиз этиб белгилаш ташаббуси билан айнан шу масалага тизимли ечим таклифи берилди. Бу қарор бир вақтнинг ўзида икки мақсадга хизмат қилади: бир томондан, ёш мутахассиснинг илк иш ўрнини топишини осонлаштиради, иккинчи томондан эса, тадбиркорларни малакали ёш кадрларни ишга жалб этишга рағбатлантиради. Натижада университет, иш берувчи ва ёш мутахассис манфаатлари ягона тизимда уйғунлашади.

Ёшлар сиёсатининг инсонпарварлик моҳияти яна бир муҳим ташаббус — “Кафолатланган биринчи қадам” пакетида намоён бўлмоқда. Ижтимоий реестрга кирмаган, аммо ҳаётда қўшимча кўмакка муҳтож бўлган ота-она қарамоғидан маҳрум ёшлар, ҳарбий хизматдан, меҳнат миграциясидан қайтганлар ёки жисмоний имконияти чекланган йигит-қизлар билан манзилли ишлаш тизимининг жорий этилиши давлат сиёсатининг инклюзив характерини кўрсатади.

Айниқса, “Устоз — талаба” дастури орқали уюшмаган ёшларни олий таълимга тайёрлаган талабаларни рағбатлантириш ташаббуси алоҳида эътиборга лойиқ. Бу қарор ёшларни ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиради. Билим улашиш, тенгдошига кўмак бериш ва жамият олдидаги масъулият ҳиссини кучайтириш ана шундай ташаббуслар орқали шаклланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Ватан меҳри — ижтимоий ташаббуслар”, “Қанот” ва “Ташаббуслар офиси” лойиҳалари ҳам ёшларнинг ижтимоий масъулиятини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Бугун Янги Ўзбекистон ёшларига билдирилаётган ишонч ва яратилаётган имкониятлар шу вақтга қадар мисли кўрилмагандир. Аммо ишонч ҳар доим масъулият билан уйғун бўлсагина натижа беради. Демак, билим олиш, касб эгаллаш, инновациялар яратиш, Ватанга садоқат ҳамда юксак маънавият ёшларимизнинг ажралмас фазилатига айланиши зарур.

**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,**
**Халқаро Нордик университети ректори, профессор.**

# Қишлоқда капсула кутубхонаси

*Наманган туманининг Катта Тошбулоқ маҳалласида “Ёшлар зиё маскани” капсула кутубхонаси фойдаланишга топширилди.*

**Қулайлик**






Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, мутолаа орқали уларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган ушбу кутубхона замонавий дизайни, қулай муҳити билан китобсеварлар учун айни муддао бўлди.

— Бундай кутубхоналар анъанавий муассасалардан фарқли равишда тезкор ва очиқ форматда хизмат кўрсатиб, ёшларни кўпроқ китоб ўқишга ундайди, — дейди туман ахборот-кутубхона маркази директори Мунаввар Қодирова. — Бу лойиҳа шаҳар ва туман марказларида дам олишни билим олиш билан уйғунлаштиргани эътиборга молик. Зиё масканидаги турли адабиётлар, электрон манбалар ва қисқа муддатли ўқиш бурчаклари фойдаланувчиларга манзур бўлади.

Капсула кутубхона очилиши маҳаллада аҳоли ва ёшларни китобга кенг жалб этиш, замонавий ахборот-кутубхона хизматларини янги босқичга олиб чиқиш, маданий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

**Акрамжон САТТОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Бадиий академиясининг Устави”га мувофиқ 2026 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзолигига сайлов ўтказилиши эълон қилинади.**

**Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзолигига:**

- Халқаро ва республика миқёсидаги нуфузли кўргазмаларда муносиб иштирок этган;
- миллий тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик соҳаларини ўзининг йирик асарлари билан бойитган;
- ўз ижоди, илмий, педагогик фаолияти билан соҳа тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган;
- ўзбек маданияти ва санъатини ривожлантиришда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда фаоллик кўрсатиб ўз ҳиссасини қўшиб келаётган;
- давлат мукофотлари ва унвонларига эга ижодкорлар номзод бўлиши мумкин.

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

## Президентлик сайловида илк бор аёл номзод ғалаба қозонди

*Перуда бўлиб ўтган президентлик сайловининг иккинчи босқичида консерватив сиёсатчи Кейко Фухимори ғалаба қозонди.*

51 ёшли Кейко Фухимори — ўтган асрнинг 90-йиллар охирида Перу Президенти бўлган Алберто Фухиморининг қизи. У сўнгги 15 йил давомида бир неча бор Президентликка номзодини қўйган, бироқ ҳар сафар турли сиёсий қарашдаги рақиблари унинг ҳокимиятга келишига йўл қўймаслик учун бирлашган эди. Унинг тўртинчи уриниши бу сафар муваффақиятли якунланди.

Эндиликда натижалар Перу Миллий сайлов ҳайъати томонидан расман тасдиқланиши керак.

## Европа жазирама остида

*Қўҳна қитъанинг катта қисмини қамраб олган бу йилги иссиқлик тўлқини тарихдаги энг кучлиси бўлди. Франция, Германия ва Европанинг бошқа давлатларида 40 даражадан юқори ҳарорат қайд этилиб, рекордлар янгиланди.*

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, иссиқ туфайли бутун Европа бўйлаб яна 1300 дан ортиқ одамлар вафот этган ва бу рақам яна ўсиши мумкин. Германия, Польша, Чехия, Словакия ва Венгрия каби бир қатор мамлакатларда мутлоқ ҳарорат рекордлари янгиланди. Францияда эса тарихдаги энг иссиқ тунги ҳарорат қайд этилди.

Карлос III номидаги соғлиқни сақлаш институти ҳисоботига кўра, Испанияда июнь ойидаги жазирама пайтида камида 1028 киши вафот этган. Испания миллий об-ҳаво агентлигининг “X” ижтимоий тармоғида маълум қилишича, ўтган ойда мамлакат тарихидаги иккинчи энг иссиқ июнь ойи бўлди.

## Бойлар бойишда давом этмоқда

*Швейцариянинг “UBS” банки томонидан эълон қилинган янги “Глобал бойлик ҳисоботи”да келтирилишича, 2025 йилда дунёда қарийб 1 миллион нафар янги миллионерлар пайдо бўлди.*

Ўтган йили сайёрадаги жами шахсий бойлик ҳажми 10,8 фоизга ошган ва бу кўрсаткич 2024 йилдаги 4,6 фоиз ҳамда 2023 йилдаги 4,2 фоизлик ўсишга нисбатан сезиларли даражада тезлашган.

“UBS” мутахассислари тадқиқотига кўра, бундай кескин ўсишнинг асосий драйверларидан бири — молиявий бозорлардаги нархларнинг тез суръатларда кўтарилиши.

## Ҳаво ифлосланишига қарши кенг кўламли дастур ишга тушди

*Ҳиндистон пойтахтининг ҳукумати ишга туширган дастурга кўра, икки йил ичида бензинда юрадиган скутерлар, мотоцикллар ва рикшалардан босқичма-босқич воз кечилади.*

Эски транспортини электр моделга алмаштирган аҳолига эса 1000 доллардан зиёд пул мукофотлари берилади. Мазкур дастурга тўрт йил давомида 150 млрд. рупий (тахминан 1 млрд. 600 млн. доллар) ажратилади. Ҳукумат бу чоралар орқали 2030 йилга бориб пойтахтдаги жами транспорт воситаларининг камида 30 фоизини электрлаштиришни мақсад қилган.

Гап шундаки, Деҳли 2027 йилдан бошлаб фақат электрда юрадиган кичик юк машиналари ва уч ғилдиракли уловлар учун янги давлат рақамларини беришни режалаштирмоқда. 2028 йилдан эса бу қоида электр скутер ва мотоциклларга ҳам амал қилади. Бу билан бензинда юрадиган транспортларни рўйхатга олиш амалда тўхтатилади.

## Туристлар оқими назоратга олинади

*“The Guardian” нашрида ёзишларича, Японияда 1 июлдан бошлаб барча сайёҳлар — ҳам хорижликлар, ҳам мамлакат фуқаролари учун мамлакатдан чиқиш солиғи уч баробар оширилди. Эндиликда Япониядан чиқиб кетаётганда 3 минг иена тўлаш талаб этилади.*

Мамлакат ҳукумати, шунингдек, виза йиғимлари нархини ҳам беш карра кўтарди. Энди бир марталик виза учун йиғим 15 минг иенани ташкил қилади.

Нашрида қайд этилишича, Япония хорижлик сайёҳлар сонининг тинимсиз ўсиб бораётгани билан боғлиқ вазиятни назорат қилишга интилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ айрим диққатга сазовор жойларга ташриф буюришда норезидентлар учун кириш чипталари нархи ошгани кузатилган. Хусусан, 1 мартдан бошлаб UNESCOнинг бутунжаҳон мероси объекти ҳисобланган Химежи қалъасига хорижлик сайёҳлар учун кириш чиптаси нархи 2500 иенагача кўтарилган.

**Интернет хабарлари асосида**
**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

**Эндиликда юртимизда ҳар йили 500 минг нафар ўғил-қизни замонавий касбга ўқитишга қаратилган «Келажак билимлари экотизими» йўлга қўйилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.40 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5 6